



Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 8 август, пайшанба, №86 (3432).

» Президент

АЗАЛИЙ ДҮСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



ДАВЛАТ РАҲБАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЁРДАМЧИСИ САИДА МИРЗИЁЕВАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Мулоқот чоғида икки давлат ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириши доире долзарб масалалар мухоммада қилинди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик ва стратегик муносабатларни қайд этиб, олий даражадаги сиёсий мулоқотлар самараордигини ошириш мақсадида икки давлат президентлари маъмурятлари ўртасида якин алоқаларни ўрнатиш мұхымлигига эътибор қарратди.

Учрашувда ахборот-мағкуравий, маданий-гуманитар, таълим ва ёшларга оид сиёсат соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қарратиди.

Президент "Заковат" ҳалқаро интеллектуал ўйинларининг Астана шаҳрида ўтказилишини олқишилаб, бу каби тадбирлар ҳалқларнинг маданий жиҳатдан яқинлашувида мұхим роль ўйнашини қайд этди.

Akorda.kz

ПАХТАДАН – ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИГАЧА

Вилоятимизда пахта кластерини ривожлантириш ишлари олиб борилмоқда. Шу мақсадда пахта хомаёсини сотишдан ташқари, унинг толасини чукур қайта ишлашга устувор аҳамият қартилмоқда. Туркистан индустривий миңтақасида енгил саноат етакчи тармоққа айланади.

Вилоят раҳбари Дархан Сатибалди Саврон туманинага "Казтекс" МЧБга қарашли пахтани қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишиди. Мазкур заводни куриш ва янги технология билан таъминлаш лойиҳаси жорий йилда бошланган. Туркиядан сармоядорлар жалб қилинди.

Лойиҳа қиймати 1500,0 млн. тенге, қуввати йилига 10 минг тонна пахтани қайта ишлашдан иборат. Ишчиларнинг 150 нафари доимий мавсумий, 35 нафари доимий иш билан таъминланган.

– Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, унинг иқтисодий самараордигини ошириш кластер тизими билан боғланмоқда. Бинонг, қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтацилик тармоғи қанчалик саноатлашса, давлатнинг экспорт салоҳига шунчалик ортади, ҳалқнинг турмуш фаровонлиги юксалади. Пахта етишириш ва чукур қайта ишлаш давлат томонидан ўйлаб-куватланмоқда. Бу борада аниқ қадамлар қўйилмоқда. Пахта кластерини ривожлантиришга алоҳида устуворлик қаратилила-




Янги технологиялар жорий этилиши керак. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўймоқчи бўлган, цех ёки фабрика очмоқчи бўлган фуқаролар кўйлаб-куватланади. Вилоятда етиширилган пахтани қайта ишлаш, дэхқонлар даромадини оширишимиз керак, – деди Дархан Сатибалди ва мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

– Вилоятимиздаги махсус иқтисодий миңтақада пахта кластерини ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Минтайвий дастур қабул қилинди ва биз бу борада кенг қарорларни ишларни амалга оширамиз. Енгил саноатнинг ривожи кўйлаб янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Пахта кластерини ривожлантиришга алоҳида устуворлик қаратила-

ди, – деди лойиҳа раҳбари Тўражон Сайдов. – Ушбу бирордарлик узоқ ийлардан бўён пахтачилик билан шугулланади. Яқинда хориждаги ҳамкорлардан замонавий пахтани қайта ишлаш корхонаси куриш таклиф қилинди. Туркиядан махсус курилмалар, пахтани қайта ишлаш дастгоҳлари кептирildi. Бупарнинг ўзига хослиги шундаки, улар электр энергиясини тежаб, сифатли пахта толаси ишлаб чиқаради. Зарур дастгоҳлар харид қилинди. Ушбу завод сентябрь ойида ишга туширилиб, дэхқонлардан пахта қабул қилиниш бошлади. 2025-2026 йилларда эса мазкур завод ёнида нефти қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш цехини очиш режалаштирилган.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.



ҚОЗОҒИСТОНДА ИЛК БОР ҲАРБИЙ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Қозоғистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг «Радиоэлектроника ва алоқа ҳарбий-муҳандислик институти»да жорий йилда илк бор янги мутахассислик бўйича ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бу ҳақда Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати хабар берди.

«Диққат! 2024 йилда Қозоғистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Радиоэлектроника ва алоқа ҳарбий-муҳандислик институтида илк бор янги мутахассислик бўйича ҳужжатлар қабул ўтказилмоқда. Мутахассислик: «Ҳарбий журналистика ва жамоатчилик билан алоқалар», дейилади ҳисоботда.

Ҳужжатларни топшириш муддати 2024 йил 10 августига кадар давом этади. Махсус фанлар бўйича ўқув жараёни Ал-Форбий номидаги ҚазМУ базасида олиб борилади.

Қабул комиссиясининг алоқа рақами: 8 727 303 68 73.



АСТАНАДА ЎЗБЕК САНЬАТИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги шафелигида Астана шаҳрида Миллий музейда Ӯзбекистон тасвирий ва амалий санъати кўргазмасининг очилиши маросими ўтди. Кўргазмада Ӯзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси давлат ташрифи доирасида ташкил этилган.

Шунингдек, мустақил ийларни икки давлат ўртасидаги маданий-ахборот мулоқотини давом этириш максадида ўтказилмоқда.

– Бугунги кўргазма умумий тарихга эга бўлган қозок ва ўзбек халқларининг дўстлигиги, маънавий риштасирияни яна бир номоҳиб килади. Ушбу кўргазмада ўзбек рассомларининг сунгиг ўйиллидаги жозабали асарлари намойиш этилмоқда. Умуман олганда, ўзбек мўйилам устапарининг ўзига хос жиҳатлари жуда кўп эканини таъкидлаш лозим, – деди Маданият ва ахборот вазирлиги Маданият кўмитаси раиси Кумис Сейитова.

Соҳа мутахассислари Ӯзбекистон санъати кейинги ийлларда янги чўққиларга кўтарилиганини таъкидламоқда.

– Биз Қозоғистондаги санъат ихломандларига ўзбек рассомларининг асарларини олиб келдик. Биз Қозоғистон билан доимий равишда кўшма лойиҳаларни амалга оширамиз. Умуман олганда, Ӯзбекистон ва Қозоғистон санъати ўшаш, чунки илдизларимиз муштарақ, – деди Ӯзбекистон Бадийи академияси атзозлари ҳамда Ӯзбекистоннинг турли вилоятларидан келган истеъодди ёш рассом ва амалий санъат устапарининг асарлари намойиш этилмоқда.

Унда Акмал Нуридинов, Алишер Ҳамдамов, Татьяна Фадеева, Файзула Аҳмадалиев, Шахноза Абдуллаева, Бахтиёр Маҳкамов, Хуршид Зиёхонов ҳамда Ӯзбекистон Бадийи академияси атзозлари ҳамда Ӯзбекистоннинг турли вилоятларидан келган истеъодди ёш рассом ва амалий санъат устапарининг асарлари намойиш этилмоқда.

Хусусан, замонавий картиналарда қадимига афсоналар, Шарқ шеърияти ва тарихидан илҳомланган ишкӣ образлардан тортиб, Ӯзбекистоннинг гўзл табииати ва миллий хусусиятларини очиб берувчи ўзига хос сюжетларгача бўлган кенг қарорларни исламий хусусиятлар, ижодий қарашлар намоён бўлади.

Кўргазманинг амалий санъат бўлумида эса замонавий ўзбек устапарининг маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Ӯзбекистон халқ амалий санъати кўп асрлик анъаналарга асосланган турли ижод турларига бой. У одамлар ҳаёт ва турмуш тарзининг барча жабҳаларини қамраб олади. Халқ ижодининг оммавийлиги, юксак гўзл оразупар ва ижодий асослари жаҳон ҳамжамиятининг Ӯзбекистон маданиятига бўлган юксак қизиқишини белгилап берди.

Жами 80га яқин картина ва 100дан ортиқ декоратив санъат асарлари намойиш этилмоқда. Шу ўринда таъкидлардан жоизки, бундай тадбирлар якин дўстона риштасирияни мустаҳкамлаш барабарида, иккى халқларнг шонли ўтмиши ва бугунги ҳаётига ўзаро қизиқишини яққол налоён этади.

Астана шаҳрида марказий истироҳат боғида Тошкент маданияти кунлари ўтди, дея хабар беради поятьтах ҳоқимлигининг расмий сайти.

Маданият кунлари доирасида тошкентлик таникли санъаткорлар иштирокида қизигин концерт дастурлари, миллий амалий санъат ва амалий санъат кўргазмалари, оиласвий спорт мусобақалари ва ўйнлари, Тошкент ва Ӯзбекистоннинг сайхёлик имкониятлари тақдимоти ташкил этилди.

24.kz



1 СЕНТЯБРЬ – ЯКШАНАБА: МАКТАБЛАРДА БИРИНЧИ ҚЎНФИРОҚ ЖАРАНГЛАЙДИ

Бу йил 1 сентябрь якшанба кунига тўғри келади. ҚР Маориф вазири Фани Бейсембаев таълим куни байрагма тўғри келишига изоҳ берди.

– 1 сентябрь анъанавий тарзда таълим куни хисобланади. Шунинг учун бу йил ҳам биринчи қўнғироқ мосориси бўйиб ўтади, – деди Фани Бейсембаев Ҳукумат йиғилишидан кейинги матбуот анжуманида.

Йил охиригача Қозоғистонда 300дан ортиқ янги мактаблар очилади.

КОЛЛЕЖ ТАЛАБАЛАРИ СТИПЕНДИЯЛАРИ ЯНА 50 ФОИЗГА ОШИРИЛАДИ

1 сентябрдан коллеж талабаларининг стипендиялари 43 минг тенгега оширилади. Бу ҳақда ҚР Маориф вазири Фани Бейсембаев мажбутилди.

– Давлат раҳбарининг топшириғига мувоғик, техник ва касб-хунар таълими тизимидаги давлат буюртмасини ошириш юзасидан тегиши тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда 145 минг грант ахратилган, уларнинг 65 фоизи техник мутахассисликларга йўналтирилган. Шунингдек, 1 сентябрдан бошлаб коллеж талабаларининг стипендиялари ўтган йилги даражадан 50 фоизга оширилади, – деди Фани Бейсембаев Ҳукумат йиғилишида.


24.kz

>>> Хотира – муқаддас!

ЮРТИГА САДОҚАТ БОБИДА ИБРАТ ЭДИ

**ЁКИ ТУРКИСТОН ШАҲАР ИЖРОИЯ ҚҮМИТАСИ
СОБИҚ РАИСИ, ЖАМОАТ АРБОБИ
ЭРКИН ЖЎРАБЕКОВНИНГ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНАДИ**

1989 йили сентябрь ойида Туркистон шаҳрида Амир Темур ташаббуси ва ҳомийлигига бунёд этилган Ҳазрат Ҳожа Аҳмад Ясавий мақбарасидаги Марказий Осиёдаги энг катта гумбаз остида жойлашган қозонлик бўлимига ноёб санъат дурданаси – дошқозон Ленинграддан қайтариб келинди. Етти хил металлдан тайёрланган ушбу тарихий дошқозон соҳибкорон фармони билан 1399 йили Қарноқ қишлоғида уста Табризий томонидан қўйилганди. Ҳужжатли видео лавҳаларни томоша қиласи, бу тарихий ва оламшумум ишини ўша кездаги Туркистон шаҳар ижроия қўмитасининг раиси Эркин Искандар ўғли раҳбарлигида амалга оширилганини ифтихор ила этироф этаман.



Э. Жўрабеков 1946 йил 1 январда УВУ фахрийи Искандар ота ва Бининсо ача хонадонида дунёга келган тунгич фарзанд эди. Урушдан кейинги эркин хаёт шарафига ота-онаси гўдакнинг исмини Эркин деб кўйди. Сингил-укалари – Обод, Инобат, Сайфулла, Сайдулла, Файзулла, Лола, Бахтиёрларга бош бўлиш ўди. Ҳамза номли мактабни альога тамомлагач, Андижон пахтачилик институтини тамомлаб, меҳнат фаолиятини Туркистон туманинага "Коммунизм" жамоа ҳўялалигига бошлиди. 1970-1975 йилларда Туркистон ремонт-механика корхонасида смена мастерлигидан катта мухандис лавозимигача бўлган меҳнат пиллапоясини шафар ила босиб ўти. 1975-1985 йилларда Туркистон шаҳар партия қўмитасида йўрүкич, бўлим мудири бўлиб ишлади. Теран билими, ташкилотчилик қобилияти, талабчанилиги ва камтарлиги билан 1985 йили масъулиятли лавозим – Туркистон ша-

ёзувчи-журналистларни дошқозонни қайтаришдек ҳайрли ишга сафарбар эти. Москва, Ленинград шаҳарларига химматли туркистонликлардан иборат делегацияларни жўнатди, сафар ҳаржатини ташкил эти. Қозғистондаги барча давлат ва касаба ушумалари қўмиталари, жамоат ташкилотлари номидан пойтахта, вазирликларга, нуфузли ташкилотларга узлукисиз шошилинчномалар жўнатилди. 1989 йили сентябрь ойида ўша даврдаги пахта тозалаш корхонасининг директори, шаҳар ижроия қўмитасининг собиқ раиси Одил Олимов тақдим этган "КамАЗ" автомашинага тарвуз юклаб, Россиянинг шимолий пойтахтига жўнатади. Ўзи эса фидои ҳамшахарлари – тадбиркор Абдусадик Абдураззоков, Дадаҳон Жамалов, Мусо Абдуқодировлар билан Ленинградга отланади. Барча ҳужжатлар тайёрланиб, СССР Маданият

"Дружба" пойафзал корхонаси асосчиси Абдусадик Абдураззоков шундай хотиралди.

– Умр оқар сувдек тезкор. Дошқозоннинг мақбарарага қайтариб келинганига ҳам 35 йил тўлиди. Бу воқеага баҳо бериш бобида бир муҳим жиҳатга эътибор қартиши лозим. Эркин Искандар ўғли раҳбар-коммунист, шаҳар партия қўмитасининг бироқ аъзоси сифатида тарих ва умумхалк иши учун таваккалга бориб, ўша давр мағкураси ва сиёсатига зид бўлса-да, дошқозонни омон-эсон ўз ўрнига қайтаришига бевосита бошчилик қилинди. Бу-биричиндан. Иккинчидан, дошқозонни Ватанга қайтариши юзасидан жуда катта ташкилий ва тайёргарлигига олиб бориши. Бунинг учун зарур маблаб давлат бюджетидан олингани ўй. Эркин ака барча ҳаржатни узи топди ва сафарни ташкил қили. Масалани ҳал қилиш учун Эрмитаж музеий



бош директори Б. Пиотровскийнинг кабинетига ва хонадонига жуда кўп марта илтимос билан борганинг шоҳидиман. Бундай фидойиллик, жасорат, мақсад сари қатъянинтилиш ҳамманинг ҳам қўлидан кепавермайди. 1989 йили сентябрь ойида дошқозон юкландган "КамАЗ" икон қишлоғи тарафидан Туркистонга кириб келганида. Интимак қишлоғидан бошлаб йўлнинг иккى чеккасида юзларida кувонч, кўлларида гул билан кутиб олган минглаб миннатдор туркистонликларни кўрганимизда оғир сафар чарочқолари ҳам унтилди. Туркистонда ҳеч качон буччалик кўй ҳалойик ўз ҳоши билан кўчага чиқиб, ноёб экспонатни интиқ бўлиб кутиб олмаган эди. А. Ясавий мақбараси ёнида ремонт-механика корхонаси директори Дилмурод Сайдан




Туркистонга расмий ташрифи чоғида ҳамда мақбара зиёратидан аввал табаррор дошқозонга ҳайр-эҳсонларини ташлаб, эзгу ниятларини изҳор қилишгани шонли тарих.

Эркин Жўрабеков табиатан камтар, оддий, лекин билимдон ва талабчан инсон эди. Умр йўлдоши Дилором Аминжон қизи билан қобил фарзандлар – Шоҳиста, Даврон, Шаҳло, Лавли, Умидаларни тарбиялаган. Ушбу мақолан тайёрлашда обунада фоъл Ҳамза номли мактабнинг тажрибали муаллимаси Шоҳиста. Эркин қизи ҳамда унинг умр йўлдоши, санъаткор-ўқитувчи Фурқат Алихоновлар яқиндан ёрдам бериши. 1993 йили Эркин Искандар ўғлининг умр йўлдоши Дилором Отабой қизи билан фарзандлари Зипола, Диёларни тарбиялади. Жами 23 наувара ва 26 эвара виро бадавлат сулоланинг ишончли вакиллар.

2007 йилнинг февралидаги Эркин Искандар ўғли 62 ёшида вафот этди. Тушдан кейинга белгиланган жаноза намози олдидан мотам намойши ўтди. Ўша кездаги шаҳар ҳокими Али Бектаев раҳбарлигига Туркия, Қозғистон ва Ўзбекистондан таъзига ташриф буюрган марҳумнинг ҳамкаслари, юзлаб ҳаморропаримиз олдида жамоат аробби Рўзакул Ҳолмуродов сўзга чиқиб, шундай деди:

– Элига кўп хизматлар қилган, катто-кичик ҳурмат қиласидаги фидойи инсонни сўнгги сафарга кузатмоқдамиз. Охирият обод бўлсун. Ҳаётлигига гапириб берган хотиралари ёдимдаги. 1989 йили сентябрьда бир неча йил давом этган, жуда кўп қийинчилкларни енгиги, тарихий дошқозон Эрмитаждан "КамАЗ" га юкланиб, Туркистонга отлангач, йўлнинг чеккасига ўтириб, шукрана айтиб, чин дилдан йиглаганини гапириб берганди. Катта ва сабов ишлари азиз бошига чин донёда сойбон бўлишига ишонамиз. Алвидо, Эркин Искандар ўғли!

Э. Искандар ўғли Туркистондаги "Қоракўз" қабристонига қўйиди. Иккى йил мукаддам шогирди, бугунда вилоят ўзбек этномаданияти бирлашмасига раҳбарлик қиласидан тадбиркор Баҳодир Ирисметов ҳомийлигига кўччилик номидан Э. Искандар ўғли қабри устидаги ёдгорлик қайта таъмирланниб ғишт билан копланди. Жуда кўп юртдошларимиз, хусусан, зиёли Хайрулла Шомуродов Ленинградга бориб, Эрмитаждан дошқозонни топиб, ҳайрат ила зиёрат қилишгани ҳақида газетамида ёзганимиз. Эндилика, мана, 35 йилдирки, тарихий дошқозон ўз тарихий ўрни – Ҳазрат Аҳмад Ясавий мақбарасида савлат тўкиб туриди.



ҳар ижроия қўмитаси раислигига тайинланди. Атеизм таълимоти ўз кучида бўлган коммунистик мафкура сиёсати учун Э. Жўрабековнинг дошқозонни қайтариб олиб келишдаги жасоратли ташкилий хизмати тўғри баҳоланмади, аксинча лавозимидан четлатиди. 1989 йилдан тадбиркорлик билан шугулланди. Туркистон шаҳар ўзбек этномаданияти бирлашмасини ташкил этишида ҳуқуқшунос Ирискул Айтметов билан кўп хизматлар қилиди. Эркин Искандар ўғлини тавсияси билан холис ёрдам тарзида маданият маркази низомини рус тилига таржима килиб берганинан.

Э. Искандар ўғли "Туркистон" ҳайрия жамоати бирлашмасини ташкил этиб, ҳайрия ишлари билан шугулланди. Тадбиркор Баҳодир Ирисметов, Комил Йўлдошев, Носир Ҳамроқулов, Сайдулла Содиков каби кўллаб ҳамшахарларни билан хизматдош бўлди. 2004 йилдан яна давлат хизматига тақлиф қилиниб, Туркистон шаҳар ҳомимлиги девони раҳбаларни, ҳомим маслахатчи бўлиб ишлади.

Эркин Искандар ўғлини ташкилотчилик қобилияти шаҳар ижроия қўмитаси раиси лавозимини эгаллаганини аччиқ ҳақиқат. Вактинча, деб олиб кетилган, лекин қайтаришдек Эрмитажда ноёб санъат остида олиб кетилган. Кўплаб туркистонликларинг дошқозон ортидан йиглаб кузатишгани аччиқ ҳақиқат. Вактинча, деб олиб кетилган, лекин қайтаришдек Эрмитажда ноёб санъат остида олиб кетилган. Аллоҳга шурӯ. Мана, табаррук дошқозонни кўриб, тавоб қилиш баҳтига мушарраф бўлдим. Ўлимлигимга, деб йигиб кўйган минг сўнми дошқозони сунчонисига атадим, деб пунти дошқозонга солади. Бу ташаббус анъана сифатида кейин ҳам давом этди. КР Президенти Н. Назарбаев, Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Туркия давлатининг барча раҳбарлари



ўғли таъдим этган автокран ёрдамида "КамАЗ"дан оҳиста табаррук Туркистон заминига қўйилган дошқозонни 102 ёшдаги фахрий оқсоқол кучиб, кўзида ёш билан шундай деган:

– Мен ўзок ўшаб дошқозонни кайта кўришдан умидимни узгандим. уни олиб келган барча ҳимматли йигитларимизга раҳмат, барака топишсан. Аллоҳга шурӯ. Мана, табаррук дошқозонни кўриб, тавоб қилиш баҳтига мушарраф бўлдим. Ўлимлигимга, деб йигиб кўйган минг сўнми дошқозони сунчонисига атадим, деб пунти дошқозонга солади. Бу ташаббус анъана сифатида кейин ҳам давом этди. КР Президенти Н. Назарбаев, Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Туркия давлатининг барча раҳбарлари

Ш. МАДАЛИЕВ.

P.S. Туркистон шаҳри ва Туркиянига Сивас шаҳарлари фахрий фуқароси, қадордан замин равнақига муносаби хисса кўйсан фидойи раҳбар, жамоат аробби, камтариин инсон Эркин Жўрабековнинг хотирасини абдайлаштириши масаласини ҚҲА таркибидағи КР ўзбеклари "Дўстлик" ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжонов, Туркистон вилояти ва шаҳри таъсислари Баҳодир Ирисметов, Райимжон Қўчкоровлар ҳамда мұхтарлар нуроний оқсоқолларимиз эътиборига яна бир карра ҳавола қиласиз.

>>> Ўқинг, қизик!

АТОМНИ ИЖОД ЭТИБ...

Атом бомбаси жаҳон тарихида иккى мартагина кўпланилган. Лекин унинг жароҳатлари одамзодни ҳануз безовта қилиб келмоқда. Бомбаларнинг ташланиши тарихи ҳар бир ўкувчи учун қизиқ бўлиши табдии...

1944 йили АҚШ ва Буюк Британия етакчилари Японияга нисбатан ядрорий бомба кўллаш тўғрисидаги мухкамалар ўтказиши. Уша вактдан бошлаб машҳур "Манхэттен лойиҳаси" ишга туширилди, бунинг натижаси супер кучли ядрорий курор яратилишига мувоффақ бўлдинди.

Уруш якунлангандан сўнг, Кўшма Штатлар ядрорий курорларга эга ягона давлат эди. Собиқ Итифоқа ўзининг ҳарбий қудратини кўрсатиш ва қўрқитиши учун улар қурордан фойдаланиши лойиҳасини тузлашди. Япония бу борада мукаммал ўлжа эди. Чунки ўзининг фронтдаги маглубиятларига қарамасдан, улар таслим бўлиши хоҳламаётган эди.

1945 йил 6 ва 9 август кунлари Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига АҚШ курорлар кучлари инсоният тарихидаги иккита ядрорий бомба ташлари, оқибатда 20000дан зиёд одам ҳалок бўлди.

"Кичкинтой" деб номланувчи биринчи атом бомбаси 1945 йили 6 август куни Хиросимага ташланди. Хиросимадан 9 чақириб баландликда бомбардимончи "B-29" самолёти шаҳарнинг марказига бомбани ташлadi. Унинг кулаш вақти 45 соняни ниши ташкил қилиди. Ерга тушишига 500-600 метр қолганда "Кичкинтой" режалаштирилганидек портлади. Бугунги кунда портлаш ёзиб олинган тасма сақланган.

Дастлаб иккинчи бомбани Нагасакига эмас, Кокру шаҳрига ташлаш режалаштирилганидек. Унинг кулаш вақти 45 соняни ниши ташкил қилиди. Ерга тушишига 500-600 метр қолганда "Кичкинтой" режалаштирилганидек портлади. Бугунги кунда оқувлайлар туфайли режага ўзгариши киритилган.

9 август куни эрталаб Америка бомбардимон самолёти "B-29" ҳавога кўтарилиши, унинг бортида "Бакалок" атом бомбаси бор эди.

Ушбу тадбир командри майор Чарльз Сунини эди, у ўз кўллари билан бомба люкини очди. Бомба тушадиган нишон махаллий үйнинг эди. Бироқ ядрорий курор белгиланган нишондан анча узоқка тушди. Шу сабабли курбонлар сони анча кам бўлди.



Хиросима ва Нагасакида ядрорий бомба портлагандан сўнг 2 чақирим масоғадаги барча тирик мавжудот ҳалов бўлди. Сўнг оммавий ёнгиг бошланди, у шамол туфайли янада кучаярди. Хиросима ва Нагасакига ташланган бомбадан сўнг инсоният нурланиш, деб номланган касалликка дуя келди. Тирик қолганлар бир қарашда согайгандек туяларди, бироқ охир-оқибат барип бир вафот этишарди. Тирик қолганлар бутун умр ҳар хил касалликлардан азият чекиши, шунингдек, соглом зурриёд қолдиришига ҳам қодир эмасдилар.

Хуршид Қўчқоров таъирлари.

»» Вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасида

ЎЗБЕК ТИЛИ, МАДАНИЯТИ ВА АНЬАНАЛАРИ КУНИ ОЛДИДАН

Қозогистон халқи Ассамблеяси аъзоси, вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов раҳбарлигида кенгаш аъзолари шу йил сентябрь ойи поёнида вилоят марказида ташкил этиладиган анъанавий "Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари" байрамига тайёргарлик режаларини муҳокама қилди.



Ўзбек тили, маданияти куни ҚР Мустақиллигининг 33 йиллиги, Туркестон вилоятининг 6 йиллиги каби саналар билан уйғунлашган холда тантанали нишонланади. Анъанавий палов танлови, Қарнок дарбози, Туркестон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси ҳамда Саврон тумани Эски Икон қишлоғи маданият уйи қошидаги кўхна мусиқа дасталари жамоалари, қатор шаҳар ва тумандардан ташриф буюрадиган санъаткорлар, маданият ходимлари, ёзувчилар, шоирлар, нуроний отахону онахонлар жам бўлиб, кутлуг байрамга файз киридади.

Байрамда барчамиз фаол иштирок этайлик!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: сурнайчи, вилоят ва республика танловлари гоилии Нурмуҳаммад Йўлдошев А. Яссавий ёнидаги этноувудаги тадбирда.

Муаллиф тасвири.

»» Мулоҳаза

Ота-онасини эндиғина фарқлаётган гўдакларни ҳам қўл телефонига тикилиб, овнаётганига кўзимиз аллақачон кўнишиб қолган ва бу ҳолатни одатий деб қабул қиласиди. Онанинг қалбидаги ягона ният – фарзанди қўлидига дунёсига тикилиб, тинчгина ўтираса-ю, ўй ишларимизни бажариша, бизга халақит берисимаса. Хуллас, гўдакларни, болалигини қилишмаса, йигламаса, хархаша қилиб, бизни хуноб қилишмаса бўлгани. Биз оналил масъулиятини зиммамизга ўзимизга қулай пайтдагина олсан. Бошқа пайтда-чи? Бошқа пайтда бизнинг жамиятдаги ўзга вазифалар кутади.

ЮНИСЕФ ташкилоти ўтган йили турли ўшдаги ўсмирлар орасида сўровномада ўтказиб, Қозогистондаги вояга етмаганларнинг ҳаётини ўрганиб чиқди. Ташкилот берган маълумотларга кўра, сўровномада иштирок этаётганларнинг кўпчилиги интернет орқали дўстлари билан муллоқот қилиш, видеолавҳаларни томоша қилиш, турли ўйинларни ўйнашга кунига икки соатдан кўп вақт сарфлар экан. Бу – болаларнинг жавоби.

Тадқиқот натижаларига кўра, болаларнинг 46 фоизи (бдан 8 ёш оралигида) илк бор интернетдан фойдаланиши бошлашиди. Ва кўпчилиги унда чекланмаган вақтини ўтказишиди. Уларнинг 37 фоиздан зиёди бўш вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказишиди. Ўсмирларнинг кўпчилиги интернет маълумотларининг қизиқарила ва фойдаланиши эканлигини айтишган. Аксарият ижтимоий тармоқлардан 13 ёшга етмаганларга фойдаланиши тақиқланганлигига қарамай, уларнинг беш нафардан уч нафари 9дан 10 ёшгача болалар. 11-12 ёшли болаларнинг учдан иккичи кисмининг хусусий аккаунтлари мавжуд. Кўп профиллар томоша қилиш учун болалар учун ҳам очикилигини, биз катталар яхши биламиз. Деярли ҳар бир бола тармоқда нокулай вазиятларга дуч келади, ҳатто, уларга нисбатан ижтимоий зўравонлик ҳам кўрсатилиди. Бу ҳақда ҳар тўртничи бола ўз тенгурларига сўзлаб ҳам беради. Қўзларга тўхтаслак, улар ўғил болаларга нисбатан кўпроқ кибербуллинг – интернет зўравонлигига дуч келишиди. Уларнинг аксарияти бундай ҳолат ҳақида имкон кадар ҳеч кимга айтимайди. Интернет оламида сир бўлиб қолмокда.

Бир она "Савол беришини бас қил, ишимни қиласи" деди. Бола: "бода кунига камиди 50та савол бериши керак", мен эндиғина 4ta савол бердимкү" деб жавоб берди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам фарзандларимиз кўз очиб юмгунча улгайди. Уларнинг болаликлиридаги бетакрор ширин сўзлари ва ҳаракатларидан ўз вақтида баҳраманд бўла олмасак, бу давринг бор гўзллиги, ранг-баранглигидан, афсуски, маҳрум бўламиз. Афсуски, биз, катталар ҳам, фарзандларимиз ҳам Интернетга қарама бўлиб қолганимиз. Бува, бувилар ҳам аллақачон ушбу тармоқка мубтало.

Директор – Буш мухаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.

Буш мухаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шахноза УСМОНОВА.

»» Муштари мулоҳазаси



ТАКЛИФЛАРИМИЗ БОР

Вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг кенгаш иштироқи этиб, эл бирлиги ҳамда она тилимиз, маданийимиз равнаси ўйлида белгиланган барча режалар кўллаб-куватлайман.

"Жанубий Қозогистон" газетаси обунасини ташкил этиш – кўпчиликнинг иштироқида амалга ошириладиган масъулиятни вазифа. Барчамиз шу хайрли ишга ҳисса кўша олсан, натижка баракали будади. Юртимизда тўй-тантаналари мавсуми айни авжиди.

Шукроналар айтамиз. Ҳар қандай тўй – тинчлик, фаронлиқдан нишона. Исломда қўни-қўши, ҳамқишлоқ, қадрдан оғайнин ва қариндошларга таом тарқатиш банда учун баъзи йўл қўйган хото ва гуноҳларининг кафофрати ҳам ҳисобланади. Юнгак қишлоғи фаоллари билан обунани ташкил этиш ўйналишида ўтказган кўллаб таддирларимизда тўйлар ҳақида ҳам таклифлар билдирилганди.

Хусусан, эрталабки маъракада қишлоқ фаоллари ҳамда ёши улуг инсонлар томонидан дастурхон соҳиби ва оила-

аъзолари ҳаққига кўпчилик номидан дуо қилинади. Шунингдек, тўй шарофати билан имкон даражасида ёшлар учун миллӣ спорт ўйинлари ташкил этилади, голибларага тўй-тантанаси ҳамда меҳмонлар гувоҳлигидаги турли совагалар, ҳамда ташакурномалар тақдим этилади. Тўйларимиз янги тўйларга улашаверсин.

Иброҳим ОТАЖОНОВ,
Юнгак қишлоқ ўзбек
этномаданият бирлашмаси
раиси, Туркестон
вилоятининг ибратли
фуқароси.

»» Обуначиларимиз орасида

ТОЙИР АКАНИКИДА ТЎЙ



МЕН БИЛАН

ГАПЛАШИНГ, ОНАЖОН!



ларини қулогига олмаётган болалар, айниқса, ўсмирлар билан тўғри муносабат, ҳамда ўтқазишида, ота-оналардан анчагина сабр-бардор ва тўғри тадбир ҳам талаб қилинади. Руҳиятшуносларнинг айтишича, бу ерда, албатта, мутахассисининг ўтқозиши – унинг экранига бир сўз билан ўтказишида, уларга шундай шароитни яратиб беришган. Энди эса уларни ўша

дай вазиятларда болаларни айблаш ноурин. Ҳамда шу билан бирга, "хукумат, маҳалла, ОАВ қаёқида қараپти" дейишга ҳам уринманд. Аксинча ота-оналар болалари кичкиналигиде ўз тинчлигини, хотиржамлигини ўйлаб, уларга шундай шароитни яратиб беришган. Энди эса уларни ўша

ботчининг гапларини фарзандларимага бот-бот тақрорлашга уринаман: "Бизнинг миямиз ахлатхона эмас, унга бўлар-бўлмас маълумотларни ага-даравериш ярамайди. Онгимиз бизга ҳада қилинган буюк неъматдир".

Инглизларнинг маколини тақрорлашдан кечи чарчамайман – "болан-гизга қандай бўлиши ўргатманг, унга қандай бўлиши кераклигини намуна қилиб кўрсатинг". Кун бўйи бизни соғиниб кутган болаларимизга ўтибор қаратишга вақтимиз йўқ – ишимиздан турли буюртмалар, топшириларни телефон орқали олиб ўтирамиз – унинг экранига бир сўз билан айтганда ўзимиз "милханиб" қолган бўлсак, қайси фаросатимиз билан болага қараб "кўлингандаги телефонни ташла, китоб ўқи", деб оламиз?

Жаҳон соғликни сақлаш ташкилоти болалар орасида "рақамили аутизм" кенг ривожланаётганидан таъсиротида. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай вазиятда биринчи навбатда болаларнинг уйқуси бузилади, асаб тизимида салбий ўзғаршилар рўй беради, энг муҳими вуқеъликдан оларни сақланадиган телефонни ташла, китоб ўқи", деб оламиз?

Мутахассислар кунда киберсиологлар сонини кўпайтириш масаласини муҳокама қилишмоқда. Ишонаверин, бунга эҳтиёж кун сайин ўсib бормоқда. Бизга бунда, аввал, оипавий қадрияларимиз ёрдамга келади. Оилада ота-онанинг обрўси ва ўрнининг юксаклиги, уларнинг назорати, интернет ўйинларининг ўрнини босадиги оилавий қизиқишлар ҳамда вазифалар, фарзанд ва оғизларидан ўзимизни ишончлирни кеттишади. Энг муҳими, фарзандларимизни бир кунда бир неча бор бағримизга босиб қўйишни, улар бизга берилган омонат эканликларини ўзимизга бот-бот эслатиб, уларнинг кўзларига қараб қувончи ва дардини ҳис қилишимиз жоиз.

Ахборот асрода жисмонан покизаликка интилиш етарили эмас. Жисмоний покизалик билан бирга, қалб соғлиғи, фикр тинкилгига ҳам интилишимиз керак. Томоша қилаётган лавҳалар, тинглаётган сухандонларнинг ҳар бир сўзи, мутола қилаётган контентларимизнинг ички дунёмизга таъсири заъворли, келажак авлод руҳиятига эса унданда зиёдроқ таъсири излай бошлиди. Бола энг яқинларидан кўрмаган, меҳр-муруват, мададни виртуал оламдан излай бошлиди.

Мутахассисларни яратиб берадиган маколаларни ўтказишида, оғизларидан ўзимизга бот-бот эслатиб, уларнинг кўзларига қараб қувончи ва дардини ҳис қилишимиз жоиз.

М. САҶДУЛЛАЕВА.

Мутахассисларни яратиб берадиган маколаларни ўтказишида, оғизларидан ўзимизга бот-бот эслатиб, уларнинг кўзларига қараб қувончи ва дардини ҳис қилишимиз жоиз.

М. САҶДУЛЛАЕВА.

Масъул шахслар:
Туркестон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзок – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тўлебий – Баҳорий ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Куршид КУЧҚОРОВА. 8(701)-447-37-42.
Сайрам – Зокирхон МУМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.
Тулибово – Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мактабар – Мутахассис ЛАЙСОНОВА. +7701-257-36-97.
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82.

Муассис – Туркестон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозогистон» вилоят ижтимоий-сийсий газетаси таҳририятни» масъулиятни чекланган бирордарлариги.

Газетадан 2020 йил 21 апрельда рўбкорзатга олиниб, KZ34VPY00022503 гуеҳонма берилган.
«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этиди.
Шимкент шахри, Т. Алимутин кучаси, 22.

Буорта: 160000, Шимкент шахри,
Тауке хан шоҳкӯчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телеп fax: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўзларидан – 65466.
Адади – 11200 нусха.

Буорта: 160000, Шимкент шахри,
Тауке хан шоҳкӯчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телеп fax: 53-04-66.

Навбатчи мухаррир: Нариза МАВЛОНОВА.